Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ


№ 114 (3615)
ДУШАНБА
22 МАЙ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

11-«Висотстрой» трести 69-қурилиш бошқармасининг зарбдор қурувчи ва монтажчиларидан Ю. Левков ва П. Певченко ўртоқлар Халқлар дўстлиги проспектида бунёд этилаётган кино-концерт зали қурилишида фидокорлик билан меҳнат қилиб, смена-ойлик топшириқларини бир ярим баравар адо этмоқдалар. Коммунистик меҳнат коллективининг аъзоси бўлган бу ишчилар шахсий беш йиллик топшириқларини уч-уч ярим йилда бажаришга аҳд қилишган. Улардан ўрнак олган ёш қурувчилар ҳам ғайрат билан меҳнат қилишмоқда.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) Ю. Левков ва П. Певченко ўртоқлар.

М. Нуриддинов фотолари.



Беш йилликнинг уч йили плани — СССР Конституцияси кунигача

МАРРА ЯҚИН

Ўзбекистон ССР карлар жамиятига қарашли 3-ўқув ишлаб чиқариш корхонаси коллективи ўнинчи беш йилликнинг учинчи зарбдор йилида самарали меҳнат қиляпти.

Корхонада тўғри ташкил этилган социалистик мусобақа кувончли ютуқларни қўлга киритишда қўл келяпти. Айниқса, Д. Сметанина бошлиқ биринчи цех коллективи меҳнат беллашувида намуна бўляпти. «Бир беш йилликда — икки беш йиллик топшириқни бажарамиз!» шиори остида меҳнат қилаётган М. Пономарёва, Е. Наумова, Г. Бойдадаева, Н. Нуриддинова каби пешқадам тикувчи-мотористкалар кўзлаган марраларига дадил қадам ташлаб боришяпти. Масалан, тикувчи Н. Нуриддинова корхонада биринчи бўлиб беш йиллик планни бажарди. У беш йиллик планга кўра 39060 сўмлик тикув ишларини амалга ошириши керак эди. Аммо ўзига биркитилган тикув агрегатларидан омилкорлик билан фойдаланиб 44250 сўмлик тикув ишларини амалга оширди. Ҳозир 1981 йил ҳисобига меҳнат қиляпти. Унинг ҳамкасблари М. Саидова, З. Норматова, Н. Ишеевалар ҳам беш йиллик программасини бажариш арафасида туришибди.

Аҳдга яраша меҳнат қилаётган корхона чеварлари йилнинг тўрт ойида пландан ташқари 180 минг сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Ҳамма тикув буюмлари биринчи сортга қабул қилинди.

Т. НАЖМИЙ.

◆ ТОШКЕНТ—ЖАҲОНГА

ГИДРОПРЕССИМИЗ ДОВРУҒИ

Агар сиз «Узсельхозтехника»га қарашли тажриба ремонт-механика заводининг экспорт харитасига назар ташласангиз, унда ўндан ортиқ мамлакатга кўзингиз тушади. Бугунги кунда сифатли гидропресслар тайёрлаб бераётган мазкур корхонанинг чет эллик мижозлари сони тобора ортиб боряпти. Ўтган тўрт ойликда 1319 та гидропресс тайёрланган бўлса, шундан 90 тадан ортиғи Туркия, Куба, Монголия, Эрон ва яна бошқа кўплаб мамлакатларга жўнатилди.

Завод маҳсулотига нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжнинг асосий сабаби гидропресс цехи коллективи сифат ва самарадорлик беш йиллигида маҳсулот сифати учун тинмай курашаётганлиги туфайлидир. Беш йилликнинг ўтган икки йил-у тўрт ойи мобайнида мазкур цех коллективи кўпгина дастгоҳларини янгилари билан алмаштирди. Янги техника ва технологияни кенг жорий этди. Бу ўз навбатида маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг харидоргирлигини ошириш имконини бермоқда.

ТИНЧЛИК, СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН

• Сўз—фестиваль қатнашчиларига

Ёқимли ва мусаффо

Минта САМУЭЛЬ,
Гана, «Фильм Африк» фирма сининг бошқарувчиси.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари киносанъатининг навбатдаги фестивалига мен ўзимнинг яқинда тайёрлаган қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳақидаги кинолентамни олиб келдим. Бу картина ривожланаётган мамлакатимизда тараққий этиб бораётган қишлоқ хўжалик ишлари, оддий кишиларнинг меҳнат қувончи, мамлакатимизнинг бу ишларига қилаётган ғамхўрлиги ифода этилган.

Бизда ҳужжатли кинематография ҳам сёкин-аста ўзининг ривожланиш йўлига кириб бормоқда. Олдимизда талай вазифалар турибди. Навбатдаги яратиладиган киноленталаримизда мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалигидаги ютуқлари, фан, маданият, санъат соҳасида амалга оширилаётган ишларни акс эттиришимиз керак.

Шаҳрингизга келишим билан қайноқ нафасни дарров сездим. Серқуёш Ўзбекистоннинг офтоби бутун борлиқни айниқса, қалбимизни иситмоқда. Бу ўлканинг ёқимли иқлими мамлакатимизнинг об-ҳавосига ўхшаб кетади. Шунинг учун ҳам Тошкентда ўзимни қувноқ ҳис этяпман.

Тошкент кинофестивалининг шиори биз кино ижодкорларини тўла-тўкис қаноатлантиради. Унда чиндан ҳам уч қитъа халқларининг неча-неча асрлардан буён орзу қилаётган тилаклари яққол ифода этилган. Ўйлайманки, бу ерда бўладиган кино санъати намойиши муваффақиятли ўтади. Дўстларнинг катта давраси бир-бирларимиз билан яна яқиндан ошно бўламиз, фикрларни баҳам кўрамиз. Бундай катта учрашувлар фақат фойдали ва аҳамиятлидир.

Қудратли восита

Ади ЗИЁВУДДИН,
Ироқ кино делегациясининг бошлиғи.

Биз Ироқ киносанъатининг арбобларидан иборат делегация аъзолари дўстлик ва фестиваль шаҳрига катта қизиқиш билан етиб келдик. Бу анжумандан умидимиз катта. Ўзимизнинг дидимизга монанд келадиган фильмларни кўриш билан бирга ўз санъатимизни жаҳоннинг турли мамлакатлари вакилларига намойиш қилаолиш имкониятига эга бўлганлигимиздан гоятда мамнунмиз.

Бу фестивалга кинонажодкорларимиз икката янги бадиий фильм олиб келишди. Улардан бири «Нарғи кўчадаги уй», иккинчиси эса «Тажриба» деб аталади. Ишончимиз комилки, бизнинг бу картиналаримиз ҳамкасбларга ва ўзбек томошабинларига манзур бўлади.

«Тажриба» фильми ўзининг моҳияти билан диққатга сазовордир. У Ироққа қишлоқларни ҳозирги даврнинг талабларига жавоб берадиган даражада тузиш проблемаларига бағишланган. Ушбу картина Тошкентга келишимиздан олдин тайёр бўлди.

Тошкент кинофестивалининг шиорини биз ижодкорлар катта қизиқиш билан кутиб олдик. У ўзининг моҳияти билан қудратли воситадир. Чиндан ҳам фестивалда кўрсатиладиган картиналарнинг умумий руҳи тинчликка, ҳақиқатга, халқларнинг курашига хизмат қилади.

Серқуёш Ўзбекистон пойтахтида ўн кун давом этадиган бу халқаро йиғин ҳар томонлама фойдалидир. Унда дўстлар орттирамиз, кино санъати маҳоратининг янги саҳифалари битилади.

АССАЛОМ, ТОШКЕНТ!

Альфа ЖИГУ,
Сенегал кино жамиятининг вакили

Мен Тошкент тупроғига биринчи марта қадам қўйишим. Бу шаҳарда бўладиган катта халқаро санъат анжуманига зўр иштиёқ билан келдим. Шу катта шаҳарнинг аэропортига қўниб, шундан кейин салобатли «Ўзбекистон» меҳмонхонасига йўл олганимдан кейин илиқ таассуротларимнинг дастлабки саҳифаси очилди. Чиндан ҳам уч қитъа халқларининг кенг мазмуни ва аҳамияти билан ана шу фестивалга марҳамат этган ҳар бир ижодкорни гоятда илҳомлантиради. Бу шиор ўзининг кенг мазмуни билан биз фестивалда кўрадиган лентаналарнинг умумий йўналишини акс эттиради.

Менинг Сенегал мамлакатимда кинематография эндигина тараққий этиб келмоқда. Сембен Усмон яратаётган картиналар мамлакатим томошабинларининг қалбидан ўрин олибгина қолмай, балки улар чет эл томошабинларининг диққатига ҳам сазовор бўлмоқда.

Менинг мамлакатим ваккилари ва шахсан Сембен Усмон бу Тошкент кинофестивалида зўр қизиқиш билан қатнашадилар. намойиш этиладиган картиналаримиз ўзбек томошабинларига манзур бўлса, биз учун муносиб баҳодир.

ЗАРБДОР ВАХТАДА

Фарҳод проспекти билан Мақсуд Шайхзода кўчалари муюлишида Тошкент метроси ишчи ва хизматчилари учун учта 9 қаватли уйлар бунёд этилмоқда. Биринчи қаватларида маиший хизмат кўрсатиш корхоналари жойлашадиган бу биноларни «Главташкентстройга қарашли 153-қурилиш трести 39-қурилиш-монтаж бошқармасининг Олимжон Ҳожиев иш боши бўлган участканинг Александр Малаков бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари амалга оширишмоқда.

СССР Конституциясининг бир йиллигини уч йиллик планни бажариш билан нишонлаш учун зарбдор меҳнат вахтасида туриб ишлаётган участка бунёдкорлари турар-жой биноси қурилишини сентябрь ойида эмас, балки 15 июлгача пардозчиларга топшириш мажбуриятини олишди.

• Беш йиллик пешқадамлари

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ

4-сон маҳсулотлари комбинати коллективининг йил бошидан бери планга қўшимча реализация қилган маҳсулоти 2 миллион сўмликка етди. Ҳозир коллектив йиллик графикдан қарийб икки ҳафта илгарилаб меҳнат қиляпти. Комбинат гарвозасидан шу кунларда Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган шаҳарларининг савдо тармоқларига ҳар куни 230 тонна ўрнига 245-250 тонна сифатли гуруч чиқариляпти.

Ҳозир айниқса 1, 2-гуруч цехларида иш жадал суръатларда давом этмоқда. Бу цехлардаги Ю. Исроилов, Р. Муҳаммаджонов, Н. Шокиров ўртоқлар бошлиқ бригадалар вақтдан унумли фойдаланиш, машиналарнинг бетинним ишлашини таъминлаш орқали ҳар вақтдагидан кўп ва сифатли маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлмоқдалар.

Комбинат бўйича йил бошидан бери реализация қилинган маҳсулот 15 миллион сўмликдан ортиб кетди.

• Шаҳар—қишлоққа

Янги цехнинг маҳсулоти

Қурилиш материаллари саноати бирлашмасига қарашли 3-гишт заводида яқинда эҳинларни суғоришда қўлланиладиган капрон трубалар ишлаб чиқарадиган цех ишга туширилди. Бу капрон трубалар эгилувчан бўлиб, ўқ-ариқларга ётқизилади, уларга винтиллар ўрнатилган. Мана шу винтилларни бураб, ҳар бир эгатга оқаётган сувни кўпайтириш ёки озайтириш мумкин. Эҳинларни суғорганда бу трубалардан фойдаланганда сувчи сувни тараш машаққатидан қутулади.

Завод коллективи апрель ойида янги маҳсулотдан 24 минг погон метрини ишлаб чиқариб, Жиззах, Наманган, Қашқадарё областларининг колхоз ва совхозларига юборди. Коллектив йил охиригача бу маҳсулотдан 200 минг погон метрини тайёрлаб беради.



Тошкентдаги полиграфия ҳунар-техника билим юртида кўплаб ёш полиграфист кадрлар тайёрланмоқда.

СУРАТДА: бўлажак матбаачилар амалий машғулот вақтида.

• Олий ўқув юртларида

МЕҲНАТ СЕМЕСТРИ ТАРАДДУДИ

Тошкент халқ хўжалиги институтининг студентлари 1978 йилги меҳнат семестрига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Институтда ўнинчи семестрни ўтказувчи штаб иш бошлади. Штаб бошлиғининг ўринбосари, институт комсомол комитетининг секретари Исмоил Соифназаров меҳнат семестрига тайёргарлик ҳақида шундай деди:

— Бутунитт и ф о қ Ленин комсомолининг 60 йиллик юбилейига бағишланадиган меҳнат семестрида 760 студентдан иборат 16 та қурилиш отряди иштирок этади. Улар Новгород областида, Олтой ўлкасида, Тошкент областида ва «Главташкентстр о й» қурилиш ташкилотларида меҳнат қиладилар. Студент-қурувчилар зарбдор объектларда 855 минг сўмлик қурилиш-монтаж ва пардозлаш ишларини бажарадилар.

Ш. ҲИДОЯТОВ,
институт студенти.

КАСАБА СОЮЗ ТАШКИЛОТЛАРИ ИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Касаба союзлари Тошкент область Советининг VII пленуми бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари ишнинг услуб ва методларини янада такомиллаштириш бўйича КПСС XXV съезди қарорлари, маҳаллий партия органлари талабларини асосида область касаба союз ташкилотларининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Касаба союзлари область Советининг раиси А. В. Браилов доклад қилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан Ф. Хўжаев номидаги Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси директори С. А. Аюпов, Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси В. Г. Хомова ва бошқалар касаба союзлари область Совети ва касаба союзлари тармоқ комитетлари омма ўртасидаги ишларни мунтазам активлаштираётганини, ўзларининг фаолиятлари услуб ва методларини такомиллаштиришга, бошланғич ташкилотлар жанговарлигини оширишга эришаётганини, Тошкент ва область меҳнаткашларининг ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга оқилона сафарбар этаётганини таъкидладилар.

Ҳозирги кунда область меҳнаткашларининг 90 процентдан зиёдроги социалистик мусобақага жалб этилган. Улардан ярим миллиондан зиёдроги меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатида иштирок этишмоқда. Бу эса планни бажариш учун курашда юқори кўрсаткичларга эришишга кўмаклашмоқда. Область саноати тўрт ойлик топшириққа қўшимча 52.5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Шу билан бирга пленумда касаба союзлар ишидаги фойдаланилмаётган имкониятларга жиддий эътибор қаратилди. Социалистик мусобақани тобора кучайтириш, меҳнаткашларни коллектив ишини бошқаришга кенгроқ жалб этиш, меҳнат ва маиший шароитни яхшилаш, касаба союзлар активи ўқувининг самарадорлигини ошириш, шаҳарнинг қишлоққа оталиқ ёрдамини кучайтириш зарурлиги қайд қилиб ўтилди.

Пленумда касаба союз активи ишларининг услуб ва методларини янада такомиллаштириш масалаларида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ районлари бўйлаб сафари чоғида айтган кўрсатма ва тавсиялари ҳаракат программаси эканлиги таъкидлаб ўтилди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» асарлари асосий қоидалари ҳам ҳар бир раҳбар, ташкилотчи, активист учун бу йўналишда жанговар ҳаракат программаси бўлмоқда. Давримизнинг бу ҳаяжонли ҳужжатларида, деб таъкидлашди сўзга чиққанлар, ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишлар тажрибасининг жуда бой хазинаси мужассамлашган. Ҳар бир касаба союз ташкилоти бу тажрибадан партия қарорлари талаб этганидек, ишларнинг услуб ва методларини янада такомиллаштириш мақсадида фойдаланиши зарур.

Пленумда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов сўзга чиқди.

Пленум ишида ВЦСПС бўлим мудири В. Н. Поливанов, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Н. М. Маҳмудова, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Б. Ғ. Халилов иштирок этишди.

ГРАФИКДАН ЎЗИБ

«Главташкентстрой»га қарашли 3-трестнинг 15-қурилиш бошқармасида А. Тешабоев бошлиқ бунёдкорлар Болгар даҳасида катта қурилиш ишларини олиб бормоқдалар. Улар 720 ўринли ўқув комбинати, 360 ўринли мажлислар, 280 ўринли спорт залларини, икки қаватли устахона қурилишини муддатидан уч ой илгари — 1 сентябрга қадар битказиш мажбуриятини олишган.

Ҳозирги кунда 38 кишидан иборат бунёдкорлар ваъдага вафо қилиш учун Н. Злобин методи асосида ишлаб, вақтдан унумли фойдаланишмоқда. Объектларнинг асосий корпуслари қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етмоқда.

Қурилишда В. Ципаев, В. Перецков, И. Дўсматов ва бошқа бунёдкорлар ҳамкорликда ишлаб, объектни тезроқ битказиш учун курашмоқдалар.

Ўқув комбинати фойдаланишга топширилгач, бу ерда ҳар йили 720 нафар йигит ва қиз трамвай, троллейбус ҳайдаш мутахассислигини ўрганади.

И. РУСТАМОВ.

БОЛАЛАР БОҒЧАСИДА РУС ТИЛИ ДАРСИ

Ўзбекистон пойтахтининг Октябрь районидаги 395-болалар боғчасининг олти ёшли тарбияланувчилари ўз дўстларига ўзига хос ҳисобот концертини кўрсатдилар. Концерт программасида рус тилида янграган шеърлар, қўшиқлар, хоровод ўйинлари бор эди. Бу концертга бўлган қизиқишнинг боиси шундаки, концерт қатнашчиларининг кўпчилиги ҳали яқиндагина рус тилини яхши билишмас эди.

Ана шу мактабгача болалар муассасасидаги ўзбек группаларда рус тилида гаплашишни ўрганишга катта аҳамият берилмоқда. Болалар билан машғулотлар махсус ишлаб чиқилган программа асосида олиб борилмоқда. Бу программада мароқли ўйинлар ташкил қилиш, қўшиқ ва шеърлар ўрганиш кўзда тутилган. Машғулотларнинг доимо алмаштириб турилиши кичкинтойларни зериктиришга ўёкда турсин, аксинча уларнинг қизиқиши ва активлигини оширмоқда.

Бу ерда очилган лингафон кабинетида ўтказилаётган машғулотлар ҳам болаларга манзур бўлмоқда. Бу эса республикадаги болалар боғчаларида биринчи ана шундай кабинетдир. Кичкинтойлар махсус болалар наушникларидан фойдаланиб, шунингдек плёнкага ёзилган ўз овозларини зўр мароқ билан тинглайдилар.

Ёш тарбиячи Шоҳида Исҳоқова ўзбек болалари тарбияланаётган группада рус тилини ўрганиш машғулотларини ўтказмоқда. Тошкентдаги ўқитувчилар малакасини ошириш институти болалар боғчаларининг маҳаллий группалари тарбиячилари учун яратаётган методик қўлланмага Шоҳида Исҳоқованинг тажрибаси асос қилиб олинди.

[ЎзТАГ].

телетайп лентасидан

● БЕРЛИН. Пойтахтдаги республика саройи очилгандан бери ўтган икки йил ичида унда йигирма миллион киши бўлди.

Саройнинг катта залида Германия Бирлашган социалистик партиясининг IX съезди, халқаро аҳамиятга молик бошқа анжуманлар ўтказилди.

Сарой ҳузурида ишлаб турган ва исми-жисмига монанд «Республика саройидаги театр» кенг кўпчилликка манзур бўлди. Ҳозиргача бу театр беш юзга яқин спектакль кўрсатди.

Расмлар галереяси, 11 та шинам кафе ва ресторан, китоб дўконлари, Берлин совғалари дўкончалари, негельбан — ана шуларнинг ҳаммаси республика саройининг «Халқ уйи» деган яхши шуҳратини оширмоқда.

● ПРАГА. Чехословакия пойтахтининг маъмурий бинолар ва савдо-сотиқ корхоналари жойлашган маркази — Вацлав майдонидаги бинолар-нинг архитектура ансамблини таъмирлаш ишлари тугалланди.

Бу — мураккаб ва серзаҳмат иш бўлди. Тарихчилар билан архитекторлар биноларнинг илк қиёфасини қайта тиклаш мақсадида кўпдан-кўп архив ҳужжатларини, эски фотосуратлар ва расмларни ўргандилар. Рассомлар билан ҳайкалтарошлар деворлардаги безакларни, суратларни қайта тиклашга, биноларнинг XVIII ва XIX асрларда қурилган пайтда уларни безаган меъморчилик ҳашамларини ва ҳайкалларни қайтадан тайёрлашга кўп меҳнат сарфладилар.

● БУДАПЕШТ. Венгрия пойтахтининг жамоат транспортини ривожлантиришга беш йил ичида 28 миллиард форинтдан иборат рекорд миқдордаги маблағ сарфланади. Шу маблағнинг катта қисми 17 километрли «Шимол—Жануб» иккинчи метро линияси қурилишига мўлжалланган. Шу линиянинг 3,7 километр узунликдаги биринчи участкаси бултур фойдаланишга топширилган эди. Беш йиллик мобайнида пассажир ташиш ҳажмида метро нинг улуши 10—12 процентдан 28—30 процентга етказилади.

Шаҳар транспортининг бошқа турларини ҳам ривожлантириш тез суръатлар билан давом этмоқда.

● БАҒДОД. Бағдод университетлари янги ўқув-машиғ комплексининг биринчи навбати қуриб битказилди. Студентлар шаҳарчасида жами 70 та бино бўлади. Ўқув, маъмурият ва уй-жой корпусларидан ташқари бу ерда стадион, студентлар клублари, бир миллион китоб сақланадиган кутубхона, 1270 ўринлик мажлислар залн қурилмоқда.

Янги университет комплексида айни бир вақтда 24 минг студент таълим оладиган бўлади.

(ТАСС).

«ПРАВДА» САҲИФАЛАРИДА

● Мамлакатимиз бўйлаб сафар қилаётган Мексика Қўшма Штатларининг Президенти Х. Лопес Портильо 21 май куни Бокудаги Владимир Ильич номли нефтни қайта ишлаш заводини бориб кўрди. Шу куни Х. Лопес Портильо Новосибирскка жўнаб кетди.

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов бошчилигидаги совет ҳарбий делегацияси 20 майда Москвага қайтиб келди. Газетада ана шу делегациянинг ВХРга визити ҳақида ахборот босилган.

● «Янги қувватларни тезроқ ўзлаштирайлик» — газетанинг бугунги сонида мақолаи ана шундай номланади.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

САФАРБАРЛИК РУҲИДА

Учинчи беш йилликнинг учинчи йилида пойтахтимиздаги «Электроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи юбилей йилидаги меҳнат маромни ва жўшқинликни тобора кучайтирмоқда. Корхона партия комитети ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иш сифатини янада яхшилашнинг муҳим омили бўлган социалистик мусобақани ташкил этиш, унинг форма ва методларини янада такомиллаштиришга муҳим эътибор бермоқда. Мухбиримиз бирлашма партия комитетининг секретари А. Маҳмудовдан мусобақани ташкил этиш ва уни ривожлантириш борасида тўпланган тажрибалар тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Бирлашмамиз партия комитети социалистик мусобақани оқилона ташкил этишга муҳим аҳамият бериб келмоқда. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишда унинг аҳамияти беқиёсдир. Ҳар қандай олийжаноб режа, кўзланган мақсад агар иш пухта ташкил этилмаса, кўнгилдагидек натижани бермайди. Буни яхши тушунган бирлашмамиз партия комитети ишнинг форма ва методларини такомиллаштириб боришга, бу борада партиямиз XXV съезди кўрсатмаларига амал қилишга интилмоқда. Биз социалистик мусобақага ҳар қандай муваффақиятга эришишнинг калити деб қараймиз.

Партком ҳар бир аъзосига ишларнинг маълум бир соҳаси тақсимлаб берилган. Биз мусобақа илғорларини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришнинг янгидан-янги формаларини муттасил излаяпмиз. Бутун эътибор шу кунларда маҳсулот сифатини кескин оширишга қаратиляпти. Бу жуда муҳимдир. Ҳозиргача ишлаб чиқарилаётган жами маҳсулотнинг 32 процентга яқини Давлат Сифат белгиси билан тайёрланяпти. Бу ютуқ қувонарли бўлса ҳам бизни ҳали тўла қаноатлантира олмайди. Шунинг учун ҳам мусобақада асосий эътиборни ана шу масалага қаратяпмиз.

— Бирлашма партия комитети кўраётган тадбирларнинг самараси қандай бўляпти? Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўлида қандай ютуқларга эришиляпти? Шу ҳақда ҳам сўзлаб берсангиз.

— Коллективимизнинг ижтимоий-сиёсий ва меҳнат активлигини тобора ошира бориб, ўтган тўрт ойда пландан ташқари 500 минг сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқаришга эришдик. Бирлашмамизнинг Тошкент заводи апрель ойи топшириғини муддатидан илгари. 28 апрелдаёқ адо этиб планга қўшимча 40 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Бу ютуқларга эришишда, шак-шубҳасиз, социалистик мусобақа муҳим роль ўйнади.

В. Фельдман бошчилик қилаётган реле цехини олиб кўрайлик. Бу ерда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш йўлида кўпгина ишлар қилинмоқда. Маҳсулот сифатини бошқаришнинг львовликлар системасини жорий этиш юзасидан изчил иш олиб борилмоқда. Шуни айтиш керакки, ҳозир бутун бирлашмамиз қошида бу системани изчил жорий қилишни назорат қилиб борувчи координацион ишчи группаси тузилган. Бу системани ишлаб чиқиш бундан икки йил муқаддам бошланган эди. Шу йиллар ичида коллективимиз бу борада анчагина тажриба орттирди. Ҳозиргача бирлашмамиз бўйича 44 стандарт жорий этилди.

11-электр цехи коллективи ҳам ўзаро мусобақа асосида иш усулларини муттасил такомиллаштириб боряпти. Бунда цех партия ташкилотининг секретари А. Зарубинниг ташаббускорлигини қайд этиб ўтиш керак. Бу ерда «Сифат аълочиси» номи нуқсонсиз маҳсулот тайёрлаган, ўз шахсий тамғасига эга бўлган пешқадам ишчиларга берилаяпти. Бунда мусобақанинг тарбиявий ролига ҳам алоҳида эътибор берилаётганини айтиб ўтиш керак.

— Дарвоқе ўртоқ Леонид Ильич Брежнев: «Социалистик мусобақа ҳозирги вақтда юксалиб кетганлиги сиёсий тарбия билан меҳнат тарбияси бирбирига мустаҳкам қўшилганлигининг яққол натижасидир» деган эди. Корхона партия комитети ана шу кўрсатма асосида яна қандай тадбирларни амалга оширяпти?

— Ҳозирги вақтда, маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системаси жорий этилаётган чоғда кишилар билан ишлашнинг, турли ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошираётган коллективлар билан муносабатнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Корхона партия комитети социалистик мусобақани ташкил этишда энг аввало, коллективда ўзига хос «яқлим»ни яратиш, ҳар қандай камчиликларга, сифатсиз ишга муросасиз муносабатни туғдиришга интилмоқда. Бирлашмамизнинг барча цех ва участкаларида ва бригадаларида топшириқни паст савияда бажаришни ўзи учун уят деб ҳисоблаш кайфияти ҳукм сураётгани мусобақанинг яққол натижаларидан биридир. Шунинг учун ҳам бутун мақсад берилган топшириқни кўнгилдагидек адо этибгина қолмай, балки уни анча оширибгина бажаришга қаратиляпти. Сифат бўйича тузилган партиявий комиссия бу ишларни намунали йўлга қўйишда жонбозлик кўрсатмоқда. Мусобақанинг таъсирчанлигини ошириш учун унинг натижалари вақти-вақти билан кўп нусхали газетамизда, радиоузел, кўргазмали агитация воситалари орқали оператив суратда эълон қилиб борилмоқда.

— Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Тикланиш» номли китобида кўргазмали агитациянинг конкрет, таъсирчан мисоллар асосида олиб борилиши зарурлиги алоҳида қайд қилинган. Бирлашма партия комитети бу борада қандай иш тутяпти?

— Жуда оқилона гап. Ҳаммамизни ғоят тўлқинлантирган бу китоб партия ташкилотининг жанговарлиги ва ташаббускорлигини янада юксак поғонага кўтаришда муҳим аҳамият касб этади. Корхонамизда социалистик мусобақани ташкил этиш бўйича бешта стандарт ишлаб чиққанмиз. Ҳозир бу стандартлар ишлаб чиқаришга муваффақиятли равишда жорий этилган. Бу стандартлар қуйидагилардан иборат. Асосий ва ёрдамчи цехлар бўйича бригада ва шахсий мусобақа шартлари, цехлар ўртасидаги мусобақа шартлари. «Заводнинг энг яхши мастери» номини олиш учун мусобақа шартлари, бирлашма заводлари ўртасида социалистик мусобақа шартлари, шунингдек, «Энг яхши сифатга эришаётган цех, участка» номини олиш учун мусобақа шартлари ишлаб чиқилган.

Бу мусобақаларда коммунистик меҳнат зарбдорлари Р. Кириченко, Т. Санталова, Р. Гайфуллин сингари коммунистлар бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Илғор монтажчи Людмила Валетова, Валентина Микеева, Светлана Вартанова ва бошқаларнинг номлари кўпчиликка маълум. Мусобақа натижаларининг ўз вақтида конкрет эълон қилиб борилиши, шунингдек ўз мажбуриятини бажарган

ЭРТАГА — ТОШКЕНТДА ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛАТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ V ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ОЧИЛАДИ



Тошкент, Навоий кўчаси, Санъат саройи. Бу адрос Осиё, Африка ва Латин Америкасининг юзлаб кинематографчиларига яхши таниш. Улар яратган асарларнинг премьералари шу ерда бўлган, шу ерда томошабинлар билан қизғин учрашувлар бўлиб ўтган.

СУРАТДА: Санъат саройи ҳар сафарги кинофестиваль кунлари мана шундай турли давлатларнинг байроқлари билан безанади.

С. Маҳкамов фотоси.

Фестивалга тайёрмиз

Сиз навбатдаги кино анжуманига қандай тайёргарлик кўрдингиз? «Тошкент оқшоми»нинг мухбирлари фестивални ўтказиш билан бевосита боғлиқ бўлган муассасалар ва ташкилотларнинг ходимларига ана шундай саволлар билан мурожаат қилдилар.

И. ТУХТАХЎЖАЕВА, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа боғлаш Ўзбекистон жамияти президиумининг раиси.

— Октябрь революциясига қадар Туркистон ўлкасида биророта ҳам олий ўқув юрти бўлмаган эди. Чор ҳокимияти ўлкамизнинг маданияти ривожланишини атайлаб орқага сурар эди. Улуг Октябрнинг галабаси туфайли ўзбек халқи ўзининг кўп асрли маданий анъаналари ва Совет Иттифоқидаги барча республикаларнинг қардошларча маданият таянч бу ўлкада ажойиб маданий ўзгаришларни амалга оширишга қодир бўлди.

Жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг вакиллари шаҳримизда ўтказилаётган халқаро кинофестивалга мана бешинчи марта келишмоқда. Улар Ўзбекистон ва унинг меҳнаткашлари қўлга киритган улкан муваффақиятлардан ҳар сафар ёрқин таассурот олмоқдалар. Совет Ўзбекистони ҳақида меҳмонларимизга яна қайта-қайта ҳикоя қилиб бериш гоятда мароқлидир. Дўстлик жамияти етти тилда «Бугунги Совет Ўзбекистони» бюллетенини ҳар ойда нашр этмоқда. Бу журналнинг жаҳоннинг 107 та мамлакатида ўқувчилари бор. Унинг янги сонида Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг Тошкент халқаро кинофестивали ҳақида ҳикоя қилувчи қизиқарли материаллар ўрин олади.

Дўстлик жамияти уйида 27 майда активистларнинг ривожланаётган мамлакатлар — Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Шри-Ланка ва бошқа мамлакатларнинг кинематографияси вакиллари билан тантанали учрашуви бўлиб ўтади. Биз меҳмонлар учун Ўзбекистоннинг фани ва маданияти тараққиёти ҳақида ҳикоя қилувчи открыткалар, ёдгорлик совғалари, брошюраларни кўпгина тилларда тайёрладик. Жамиятнинг активистлари Африка қунига бағишланган тадбирларда, ўз озодлиги ва ҳуқуқи учун курашаётган Чили халқи билан бирдамлик митингларида қатнашадилар.

Биз фестиваль учун махсус мукофот тайёрладик. У «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» фестиваль шиорига тўла жавоб бера оладиган фильмга берилади. Халқлар ўртасидаги дўстлик мавзуи бир умрга навқирон бўлиб қолади. Кинематографчиларнинг жуда кўп авлодини ҳамиша қизиқтиради.

Биз меҳмонларни сабрсизлик билан кутар эканмиз уларга қарата: «Меҳмондўст ўзбек диёрининг пойтахтига хуш келибсиз!» деймиз. Сиз ҳурматли меҳмонлар, шаҳримизнинг ҳаёти ва ажойиб архитектура планида қурилаётган янги массивларнинг жамоли билан яқиндан танишасиз.

А. ИРИСҚУЛОВ, Ф. Энгельс номли чет тиллар педагогика институти сиртқи ва кечки таълим бўйича проректори.

— Кинофестиваль очилишидан бир неча кун муқаддам ўнлаб хизматчилар ўзларининг вазифаларини бажаришга киришдилар. Ўзбекистон пойтахтига жаҳоннинг турли мамлакатлари —Ҳиндистон, Япония, Кения, Боливия ва бошқа мамлакатлардан меҳмонлар келишди. Бундан ташқари социалистик мамлакатлар кинематографчилари, халқаро ва миллий ташкилотларнинг вакиллари меҳмонларимиз бўлишади. 160 дан зиёд таржимон улар билан турли тилларда сўзлашади. Тошкентдаги олий ўқув юртларининг студентлари, республика Фанлар академиясининг ходимлари меҳмонларга таржимонлик қилишади.

Бизнинг педагогика институтимиз ўзининг 60 дан ортиқ йигит ва қизини фестивалга таржимон қилиб юборди. Улар инглиз, немис, испан, француз тиллари бўйича таржимон ҳисобланишади. Булар А. Каримов, К. Маҳкамов, Р. Раҳимова, Д. Ғозиева, Т. Пидаева, А. Алимхўжаев ва бошқалардир. Биз педагоглар студентларимизнинг бундай ҳурматга сазовор бўлганликларидан гоятда қувонамиз. уларга амалда ўз билимларини пухта эгаллашларига тилакдошмиз.

З. ВЛАСЕНКО, «Восток» кинотеатрининг директори.

— Кинотеатримиз эртага очиладиган халқаро кинофестивалга шай. Маданият даргоҳининг иккала томоша зали байрамдагидек безатилган. Янгиланган экран, фестиваль учун ўрнатилган махсус аппаратуралар лентларни ёркин кўрсатиш имконини беради.

Октябрь революцияси номли автомобиль ремонти, электромеханика ва Ленин районидаги бошқа корхоналарнинг меҳнатчилари кинотеатримизда фестиваль лентларини кўришади. Бизнинг кассирларимиз кинофестиваль очилгунга қадар меҳнат коллективлари ҳузурида бўлиб, ишчилар ва хизматчиларни қизиқтирадиган фильмлар учун билетларни сотдилар.

Фестиваль кунларида томошабинлар «Қаҳрамонона 60 йил» деган виставка билан ҳам танишадилар. Чунки революция. Октябрь—Совет кино санъатининг энг етакчи мавзуси бўлган ва шундай бўлиб қолади.

А. КАЛОНОВ, «Тошкент Совети 50 йиллиги» кинотеатрининг администратори.

— Уч қитъа кинематографчиларининг анжумани ўн йил мобайнида Тошкентда бешинчи марта тўпланмоқда. Кинотеатримиз эҳтиросли ишсиз қолгач, кинорежиссер Эртуғрул Совет Иттифоқига келади ва бу ерда «Спартак» ҳамда «Тамилла» (1926, 1928) фильмларини яратади. 1929 йилда Эртуғрул ватанига қайтгач, ака-ука Кочи ва И. Ипакчи билан ҳамкорликда «Ипакчи-фильм» жамиятини ташкил этишда қатнашади. Мазкур жамият 1931 йилда «Стамбул кўчаларида» деган турк кино санъати тарихидаги биринчи овозли картинани постановка қилади.

Атоқли совет кинорежиссёри Сергей Иосифович Юткевич 1931 йилда шу жамият кинематографчилари билан ҳамкорликда «Анқара—Туркия қалби» деган ҳужжатли манзарали фильмни суратга олади.

Туркия кинематографияси иккинчи жаҳон урушидан кейин ўзининг шаклланиш жараёнига қадам қўйди. Мамлакатда кино санъати ва унинг моддий базаси ривожланди. 1934—1945 йилларда Туркияда тўртта киностудия мавжуд бўлса, 1945—1950 йилларда 10 та янги киностудия ташкил этилиб, ўз фаолиятини бошлади. 1950 йилдан бадиий фильмлар ишлаб чиқариш янада кўпайди. Масалан, 1950 йилда 23 та бадиий фильм ишлаб чиқарилган бўлса, 1966 йилга келиб 229 та фильм ишлаб чиқарилди.

Бу картиналарнинг кўпчилиги ғарб кино санъати таъсирида коммерция мақсадларида яратилган картиналар ҳамда мелодрамалар ҳисобланарди. Шулар билан бир қаторда прогрессив турк кино усталари ўша давр воқеаларини акс эттирувчи ижтимоий аҳамиятга молик фильмларни ҳам ишлаб чиқаришга эътибор беришади. Ана шундай картиналар орасида кинорежиссёр Н. Эрарслон томонидан 1959, 1964 ва 1966 йилларда «Отатурк» фильмлари, режиссёр М. Эркасан томонидан «Сувсиз ёз» (1963), «Илонлар қасоси» (1962) фильмлари яратилади.

1950 йилларда Туркияда кинематографчиларнинг янги бир авлоди вояга етиб, кино санъати соҳасида ўз фаолиятини бошлади. Булар орасида Лутфи Акад, Ойдин Арокон, Орхон Арибурну, Метин Эрксан, Мамдух Ун, Холид Рафиқ ва бошқалар Туркия ҳаётидан олинган актуал мавзудаги картиналарни яратишади.

1966 йилда Туркияда «Бирсель-фильм», «Даш-фильм», «Камол-фильм», «Ипак-фильм», «Аджор-фильм», «Халқ-фильм», «Лало-фильм» сингари киностудиялар жумладан, Берлин, Венеция, Москва, Сен-Ремо ва бошқа шаҳарлардаги ўтказилаётган кинофестивалларда намойиш қилинмоқда. Бундан ўн йил муқаддам Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси пойтахти Тошкентда ўзининг фаолиятини бошлаган халқаро кинофестиваль Туркия кинематографчиларининг эътиборини тобора кўпроқ ўзига жалб этмоқда. Осиё қитъасида анчагина салмоққа ва ўзига хос ижодий анъаналарга эга бўлган Туркия мамлакати кино санъатидан дарлик бехабар эдик. Тошкент кинофестивали жаҳондаги бир қатор мамлакатларнинг кинематографиясини бизга танитган ҳолда турк кино санъатини ҳам кашф этиб берди.

1974 йилда ўтказилган III халқаро Тошкент киноанжуманида туркиялик кино санъаткорлар «Қабристон», «Иссиқ ер», «Номус бурчи» ва бошқа бадиий фильмлар билан иштирок этишди. 1976 йилда ўтказилган Осиё, Африка ва Латин Америкаси IV халқаро Тошкент кинофестивалида эса туркиялик киносанъати усталари асосан ёшлардан иборат делегация билан иштирок этишди. Булар—Истамбулдаги «Кадрия-фильм», «Ортақ-фильм», «Арзу-фильм» киностудиялари ҳамда Туркия телевидениеси ходимлари эди. Тўртинчи фестиваль кунларида экран санъати шинавандалари бир қатор бадиий ва ҳужжатли кинолентлар қаторида режиссёр Эргин Орбей томонидан постановка қилинган «Бизнинг оила» бадиий фильмини ҳамда таниқли турк кино устаси режиссер ва кинодраматург Фейзи Туна томонидан атоқли прогрессив турк ёзувчиси Азиз Несинга бағишланган «Замонамиз хўжа Насриддини» номли ҳужжатли кинофильмини катта қизиқиш билан кўрищган эди.

Эртага республикамиз пойтахтида бошланадиган навбатдаги кинофестивалда жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари кинематографчилари қаторида Туркиянинг экран санъати усталари ҳам иштирок этишади. Булар орасида кинорежиссёрлар, кинооператорлар, жонмонаққидлар бор. Томошабинлар фестиваль кунларида туркиялик кинематографчилар тақдим этган бир қатор бадиий ва ҳужжатли кинолентлар қаторида атоқли совет ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг «Қизил дуррачали сарвқоматим» повести асосида экранлаштирилган «Қирмизи дуррача» янги бадиий фильмини ҳам мароқ билан томоша қиладилар.

Санд ХЎЖАЕВ, санъатшунослик фанлари кандидати.

ТУРКИЯ КИНО САНЪАТИ



Кинофестиваль фильмлари намойиш этиладиган шаҳримиздаги барча кинотеатрлар улкан анжуманга катта тайёргарлик кўришди. Уларнинг аксариятида янги кино аппаратуралари монтаж қилинди, экранлари янгиланди, акустика системаси созланди.

СУРАТДА: катта техник Қаҳрамон Ҳакимов ва киномеханик Сергей Пахомов «Қозоғистон» кинотеатрининг аппаратлар хонасида ўрнатилган янги аппаратураларни кўздан кечиришмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ДИЛ СЎЗЛАРИ

Комил ЁРМАТОВ, кинорежиссёр, СССР халқ артисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони:

— Замонавийлик—киносанъатининг жони-тани. Бу формула санъаткор тарихга, узоқ ўтмишга мурожаат қилганда ҳам ўз маъносини йўқотмайди. Фильм нимага бағишланган бўлмасин, ундаги энг муҳим нарса санъаткорнинг замонавий ҳаётга муносабати, унинг сиёсий ва гражданлик позицияси ҳисобланади. Шунинг учун Тошкент фестивали ҳар гал менинг тасаввуримда гўё Осиё ва Африка халқларининг ҳозирги турмушини акс эттирувчи яхлит ва кенг кўламли фильм сифатида намоён бўлади.

Наоки ТОГАВА, кинотанқидчи, профессор (Япония):

— Тошкентда очилган жасорат монументал комплекси ва «СССР халқлари дўстлиги» музейи ўтмишни эсга солади. Биз Тошкент эпизиласини унутмаслигимиз керак. Мен бу ерда кучли иродага эга мард кишиларни кўрдим.

Шуҳрат АББОСОВ, кинорежиссёр, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби:

— Халқаро кинофорум Осиё ва Африка мамлакатларининг янги фильмлари билан танишишимга тўла имконият яратиб берди. Фестиваль фильмлари ҳаммамиз учун ҳақиқий мактаб ролини ўтади. Бу фикр менда фестивалнинг саралаш комиссияси раиси сифатида яна ҳам мустаҳкамланди. Фестиваль яна катта сиёсий аҳамиятга ҳам эга. Тошкентда ўтаётган фестиваль ўзининг олижаноб шиори, энг демократик кўриги билан улкан ижтимоий аҳамият касб қилади.

Ойдин НОРБОЕВА, актриса:

— Тошкент кинофорумига келган меҳмон ва иштирокчиларни меҳмондўст пойтахтимизда кутиб олишимиздан гоятда ҳурсандман.

Фестиваль — бу байрамдир, у баҳор фаслида ўтаётганлигидан яна ҳам завқлидир.

Тошкент — тинчлик ва дўстлик шаҳридир, унда энг олижаноб инсоний идеаллар ўз аксини топган. Тошкент энди кинофестивалларнинг шаҳри ҳам бўлиб қолмоқда.

Кэти МИРЗА, киноактриса, (Ҳиндистон):

— Тошкент менда ўзининг замонавий бинолари, майдонлари, хиёбонлари билан катта таассурот қолдирди. Мен Тошкент фестивалида намойиш қилинадиган «Тожикфильм»нинг «Ганг узра тонг» фильмида суратга тушиш шарафига муяссар бўлгандим.

ЖЎНАБ КЕТИШДИ

ДАККА. Бангладеш Халқ Республикаси кинематографчиларининг делегацияси Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг Тошкентда бўладиган Бешинчи халқаро фестивалида қатнашиш учун Москвага жўнаб кетди. Конкурсда кўрсатиш учун ўтган йил режиссёр Шубеш Дотто экранлаштирган энг яхши фильм— «Момо ер» фильми танлаб олинди. Кинофильм оддий халқ орасидан етишиб чиққан санъаткорнинг тақдири тўғрисида, унинг таланти ва меҳнати, Ватанга муҳаббати тўғрисида ҳикоя қилади.

Делегация бошлиғи, Бангладеш ахборот министрлигининг секретари Санд Аҳмад ТАСС мухбирига бундай деди: кино санъатининг инсонпарварлик принципларини, халқларнинг тинчликка ва дўстликка интилишини ифодалайдиган Тошкент кинофестивали сингари мўътабар халқаро кўрикда қатнашаётганлигимиздан хурсандмиз. Кинематографчиларнинг Тошкентдаги ижодий мусобақасида қатнашиш Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларида кинони ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатади. Санд Аҳмад Бангладеш кинематографчиларинин

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА УТКАЗИЛАДИГАН ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛАТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ V ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИДА 23—27 МАЙ КУНЛАРИ НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИГАН БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИНГ

РЕПЕРТУАРИ

САНЪАТ САРОЙИДА

24 МАЙДА — **Бола ва акула** (Мексика), **Космосдаги уруш** (Япония).
25 МАЙДА— **Седдо** (Сенегал), **Кобра** (Япония).
26 МАЙДА— **Мени қуч** (Покистон).
27 МАЙДА — **Ҳафта охиридаги узоқ муддатли дам олиш** (Австралия), **От ва қўшиқчи** (Мексика).
Сеанслар соат 10.30, 14.30 ва 19.30 да бошланади.

«ВОСТОК» КИНОТЕАТРИДА

23 МАЙДА — **Емғир ёғяпти** (Мексика), **Тавхида** (Миср Араб Республикаси).
Сеанслар соат 10.00, 13.30, 17.00, 20.30 да бошланади.
24 МАЙДА— **Мени қуч** (Покистон).
Сеанслар соат 10.00, 12.50, 15.40, 18.30, 21.10 да бошланади.
25 МАЙДА— **Дзюдо ҳақида ҳикоя** (Япония).
Сеанслар соат 11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00 да бошланади.
26 МАЙДА — **Кўз ёши** (Покистон).
Сеанслар соат 10.00, 12.50, 15.40, 18.30, 21.10 да бошланади.
27 МАЙДА— **Самурайлар фитнаси** (Япония).
Сеанслар соат 11.00,13.30, 16.00, 18.30, 21.00 да бошланади.

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА

23 МАЙДА— **Севги қасами** (Покистон).
Сеанслар соат 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 да бошланади.
24 МАЙДА— **Узун тун** (Эрон), **Кобра** (Япония).
Сеанслар соат 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 да бошланади.
25 МАЙДА— **Бола ва акула** (Мексика), **Севиш учун ҳали ёш** (Миср Араб Республикаси).
Сеанслар соат 12.00, 16.00, 20.00 да бошланади.
26 МАЙДА— **Ўзини ҳимоя қилиб** (Мексика), **Жасур ҳайдовчилар** (Япония).
Сеанслар соат 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 да бошланади.
27 МАЙДА— **Қўрикдан ўтказувчи** (Куба), **Уйқудаги итлар** (Янги Зеландия).
Сеанслар соат 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 да бошланади.

ҲАМЗА НОМЛИ КИНОТЕАТРДА

23 МАЙДА— **Самурайлар фитнаси** (Япония).
Сеанслар соат 10.30, 13.00, 15.30, 18.00, 20.30 да бошланади.
24 МАЙДА — **Емғир ёғяпти** (Мексика), **Тавхида** (Миср Араб Республикаси).
Сеанслар соат 10.00, 13.20, 16.40, 20.00 да бошланади.
25 МАЙДА— **Мени қуч** (Покистон).
Сеанслар соат 10.00, 12.45, 15.30, 18.15, 21.00 да бошланади.
26 МАЙДА— **Дзюдо ҳақида ҳикоя** (Япония).
Сеанслар соат 10.30, 13.15, 15.30, 18.00, 20.30 да бошланади.
27 МАЙДА— **Севги қасами** (Покистон).
Сеанслар соат 10.30, 13.00, 15.30, 18.00, 20.30 да бошланади.

ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА

23 МАЙДА— **Ўзини ҳимоя қилиб** (Мексика), **Жасур ҳайдовчилар** (Япония).
Сеанслар соат 10.00, 13.30, 17.00, 20.30 да бошланади.
24 МАЙДА— **Бако** (Франция— Сенегал), **Севиш учун ҳали ёш** (Миср Араб Республикаси).
Сеанслар соат 10.00, 14.00, 18.00, 21.30 да бошланади.
25 МАЙДА— **Самурайлар фитнаси** (Япония).
Сеанслар соат 11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00 да бошланади.
26 МАЙДА—**Лайли ва бошқалар** (Жазоир), **Уйқудаги итлар** (Янги Зеландия).
Сеанслар соат 10.00, 13.30, 17.00, 20.30 да бошланади.
27 МАЙДА— **Кўз ёши** (Покистон).
Сеанслар соат 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 21.30 да бошланади.

«ЧАЙКА» КИНОТЕАТРИДА

23 МАЙДА— **Дзюдо ҳақида ҳикоя** (Япония).
Сеанслар соат 11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00 да бошланади.
24 МАЙДА— **Қўрикдан ўтказувчи** (Куба), **От ва қўшиқчи** (Мексика).
Сеанслар соат 11.00, 14.30, 18.00, 21.30 да бошланади.
25 МАЙДА— **Инсонни синаш** (Япония).
Сеанслар соат 11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00 да бошланади.
26 МАЙДА— **Самурайлар фитнаси** (Япония).
Сеанслар соат 11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00 да бошланади.
27 МАЙДА — **Меҳмон** (Покистон).
Сеанслар соат 10.00, 13.00, 16.00, 18.45, 21.30 да бошланади.

ЛИСУНОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА

23 МАЙДА— **Инсонни синаш** (Япония).
Сеанслар соат 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 да бошланади.
24 МАЙДА — **Кананеа** (Мексика), **Надия** (Миср Араб Республикаси).
Сеанслар соат 11.00, 15.00, 19.00 да бошланади.
25 МАЙДА— **Ўзини ҳимоя қилиб** (Мексика), **Жасур ҳайдовчилар** (Япония).
Сеанслар соат 10.00, 13.30, 17.00, 20.30 да бошланади.
26 МАЙДА — **Чукнаго** (Боливия), **Узун тун** (Эрон).
Сеанслар соат 11.00, 15.00, 19.00 да бошланади.
27 МАЙДА— **Лайли ва бошқалар** (Жазоир), **Космосдаги уруш** (Япония).
Сеанслар соат 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 да бошланади.

«НУКУС» КИНОТЕАТРИДА

23 МАЙДА— **Мени қуч** (Покистон).
Сеанслар соат 10.00, 12.30, 15, 17.30, 20.00 да бошланади.
24 МАЙДА— **Дзюдо ҳақида ҳикоя** (Япония).
Сеанслар соат 10.00, 12.30, 15, 17.30, 20.00 да бошланади.
25 МАЙДА — **Етим** (Ҳиндистон).
Сеанслар соат 10.00, 14.00, 17.00, 20.00 да бошланади.
26 МАЙДА — **Емғир ёғяпти** (Мексика), **Тавхида** (Миср Араб Республикаси).
Сеанслар соат 10.00, 13.30, 17.00, 20.00 да бошланади.
27 МАЙДА — **Дюймовочка** (Япония), **Узун тун** (Эрон).
Сеанслар соат 10.00, 13.30, 17, 20.00 да бошланади.

«КУҚЧА» КИНОТЕАТРИДА

23 МАЙДА— **Етим** (Ҳиндистон).
Сеанслар соат 10.00, 12.00, 16.00, 19.00, 21.40 да бошланади.
24 МАЙДА— **Кўз ёши** (Покистон).
Сеанслар соат 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 21.40 да бошланади.
25 МАЙДА — **Емғир ёғяпти** (Мексика), **Тавхида** (Миср Араб Республикаси).
Сеанслар соат 10.00, 13.30, 17.00, 20.30 да бошланади.
26 МАЙДА— **Меҳмон** (Покистон).
Сеанслар соат 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 21.40 да бошланади.
27 МАЙДА— **Чукнаго** (Боливия), **Севиш учун ҳали ёш** (Миср Араб Республикаси).
Сеанслар соат 10.00, 13.30, 17.30, 21.00 да бошланади.

«ДРУЖБА» КИНОТЕАТРИДА

23 МАЙДА— **Меҳмон** (Покистон).
Сеанслар соат 10.00, 11.00, 13.00, 14.00, 16.00, 17.00, 19.00, 20.00 да бошланади.
24 МАЙДА— **Жасур ҳайдовчилар** (Япония), **Ўзини ҳимоя қилиб** (Мексика).
Сеанслар соат 10.00, 10.40, 13.00, 14.00, 15.00, 16.30, 17.15, 19.50, 20.30 да бошланади.
25 МАЙДА— **Кўз ёши** (Покистон).
Сеанслар соат 10.00, 11.00, 13.00, 14.00, 16.00, 17.00, 19.00, 20.00 да бошланади.
26 МАЙДА— **Инсонни синаш** (Япония).
Сеанслар соат 10.00, 11.00, 13.00, 14.00, 16.00, 17.00, 19.00, 20.00 да бошланади.
27 МАЙДА — **Емғир ёғяпти** (Мексика), **Тавхида** (Миср Араб Республикаси).
Сеанслар соат 10.00, 10.40, 13.00, 14.00, 15.00, 16.30, 17.15, 18.50, 20.30 да бошланади.

«ҚОЗОҒИСТОН» КИНОТЕАТРИДА

23 МАЙДА — **Кўз ёши** (Покистон).
Сеанслар соат 11.00, 12.00, 14.00, 15.00, 17.00, 18.00, 20.00, 21.00 да бошланади.
24 МАЙДА — **Етим** (Ҳиндистон).
Сеанслар соат 11.00, 12.00, 14.00, 15.00, 17.00, 18.00, 20.00, 21.00 да бошланади.
25 МАЙДА — **Дюймовочка** (Япония), **Узун тун** (Эрон).
Сеанслар соат 11.00, 12.00, 14.00, 15.00, 17.00, 18.00, 20.00, 21.00 да бошланади.
26 МАЙДА — **Кумарн** (Непал), **Надия** (Миср Араб Республикаси).
Сеанслар соат 11.00, 12.00, 15.00, 18.00, 19.00, 20.00 да бошланади.
27 МАЙДА — **Ўзини ҳимоя қилиб** (Мексика), **Жасур ҳайдовчилар** (Япония).
Сеанслар соат 11.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 21.00 да бошланади.

«МОСКВА» КИНОТЕАТРИДА

23 МАЙДА — **Кобра** (Япония), **От ва қўшиқчи** (Мексика).
Сеанслар соат 10.00, 13.45, 17.00, 20.45 да бошланади.
24 МАЙДА — **Самурайлар фитнаси** (Япония).
Сеанслар соат 11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00 да бошланади.
25 МАЙДА — **Надия** (Миср Араб Республикаси), **Уйқудаги итлар** (Янги Зеландия).
Сеанслар соат 12.00, 16.00, 20.00 да бошланади.
26 МАЙДА — **Севги қасами** (Покистон).
Сеанслар соат 11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00 да бошланади.
27 МАЙДА — **Дзюдо ҳақида ҳикоя** (Япония).
Сеанслар соат 11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00 да бошланади.

«ХИВА» КИНОТЕАТРИДА (ёзги)

23 МАЙДА — **Дюймовочка** (Япония), **Узун тун** (Эрон).
24 МАЙДА — **Космосдаги уруш** (Япония), **Бола ва акула** (Мексика).
25 МАЙДА — **Кобра** (Япония), **Седдо** (Сенегал).
26 МАЙДА— **Мени қуч (Покистон).**
27 МАЙДА — **Етим** (Ҳиндистон).
Сеанслар соат 21.00 да бошланади.

«ФЕСТИВАЛЬ» КИНОТЕАТРИДА (ёзги)

23 МАЙДА — **Узун тун** (Эрон), **Дюймовочка** (Япония).
24 МАЙДА — **Бола ва акула** (Мексика), **Космосдаги уруш** (Япония).
25 МАЙДА — **Седдо** (Сенегал), **Кобра** (Япония).
26 МАЙДА — **Мени қуч** (Покистон).
27 МАЙДА — **Етим** (Ҳиндистон).
Сеанслар соат 20.45 да бошланади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ


«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ КИЧИК СОТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН



6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

8—10 синф ҳажмида маълумотли 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган тошкентлик қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.



БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ЕШИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР КАССИРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН БИР ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҲАМ ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

ЎҚУВЧИЛАРГА ҲАР ОЙДА 64 СЎМДАН СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

ЎҚУВЧИЛАР АЙНИ БИР ВАҚТДА КЕЧКИ МАКТАБДА ЕКИ САВДО ТЕХНИКУМИДА ЎҚИШЛАРИ МУМКИН.

МАКТАБ-МАГАЗИННИ ТАМОМЛАБ ЧИҚҚАНЛАР КАТТА МАГАЗИНЛАРГА ИШЛАШ УЧУН ЮБОРИЛАДИ ВА УЛАРГА СОВЕТ САВДОСИ ТЕХНИКУМИНИНГ КЕЧКИ ЕКИ СИРТҚИ БЎЛИМИГА КИРИШДА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ.



ҚУЙИДАГИ АДРЕСГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (2, 5, 8, 9, 10, 12, 1, 24, 28-трамвайлар, 2, 3, 9, 22, 55, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати) 33-75-48 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.



Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети
ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ ВА ЎРТА ОСИЁ ТЕМИРИЙЎЛИ БОШҚАРМАСИ БАЗАСИДАГИ
170-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—1979 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ ВА ЎРТА ОСИЁ ТЕМИРИЙЎЛИ БОШҚАРМАСИ УЧУН ҚЎЙИДАГИ КАСБ ЭГАЛАРИНИ ЕТИШТИРИБ ЧИҚАРАДИ: электропоезд ва электровоз машинистининг ёрдамчиси, СЦБ ва алоқа электромонтерлари, станция навбатчилари, сантехника ускуналари ремонти бўйича слесарь-электриклар, электр ускуналар ремонти бўйича слесарь-электриклар, кучланиш подстанцияларининг электромонтёрлари, газ-электр пайвандловчилар, эскалатор машинистлари.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқиш муддати 1—3 йил.

8 синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар етуклик аттестати билан ихтисослик оладилар ва давлат таъминотида бўладилар — махсус кийим-бош ва уч маҳал бепул овқатланиш, 10 синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар эса ойига 30 сўм ҳажмида стипендия оладилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида барча ўқувчиларга пул мукофотлари тўланади.

Барча ўқувчилар билим юртини битирганларидан кейин иш билан таъминланадилар, темирйўлчиларга бериладиган барча имтиёзлардан фойдаланадилар, ўқиш аълочилари олий ўрта махсус ўқув юртларига юборилади.

Қуйидаги ҳужжатлар лозим: ариза, автобиография, ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат (8-синф ҳажмидаги маълумот гувоҳномаси), паспорт, (туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома), медицина картаси (МПС тасдиқлаган АКУ формаси бўйича), ота-онасининг иш жойидан, турар жойидан справкалар; 6 та фотосурат (3х4 см.), шахсий картаси (форма Т—2).

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 2-Охунбобоев кўчаси, 68-уй, (7, 9, 11, 14, 21, 24-трамвайлар, 13, 15, 16-троллейбуслар, 18, 54-автобусларнинг «Киров номли боғ» бекати.) Телефон: 53-43-52.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА— 23/V да **Майсаранинг иши**, 24/V **Севги тумори** (билетлар сотилган), 25/V да **Риголетто.**
ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/V да **Қўрмайин босдим тиконни**, 24/Vда **Келинлар қўзголони**, 25/V да **Саҳро тор.**
МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/V да **Ҳижрон**, 25, 26/V да **Тошкентнинг нозанин маликаси.**

КИНО

22, 23 МАЙДА ҚИШКИ БИНОДА

Тақдир — «ДРУЖБА» (12, 15, 18, 20.40).
Шум бола — «МОСКВА» (жуфт соатларда).

ЁЗГИ БИНОДА

Мимино — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.30).
Сув ости салтанатининг маликаси— «ХИВА» (20.30).

Тошкент шаҳар, Фрунзе районидаги 73-мактаб томонидан **Тожиев Камол** номига берилган 105237 номерли йўлкалган
ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

МАЗАСИ ОҒИЗДА ҚОЛАДИ

«ТАШКЕНТХЛЕБ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН УЧ ХИЛ ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ОБИНОНЛАРИГА АНА ШУНДАЙ БАҲО БЕРИШ МУМКИН.



«МЕҲМОН — НОН» (бир донасининг баҳоси 15 тийин),
«ШИРИН — НОН» (бир донасининг баҳоси 13 тийин),
«ПАХТА — НОН» (бир донасининг баҳоси 11 тийин),
Ишлаб чиқариш бирлашмаси шу кунларда тайёрлаётган 300 — 350 тонна умумий маҳсулотнинг 60 тоннага яқини обинондир. Бир кунда 17 хил маҳсулот ишлаб чиқарилаётган бўлса, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос мазаси ва тами бор.
«ТАШКЕНТХЛЕБ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГИЗ!

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети
9-ПОЛИГРАФЧИЛАР ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—1979 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти ўрта маълумотли линотипист, ҳарф терувчи, печатник ва муқовачилар тайёрлайди.

Билим юртига 15—17 ёшдаги 8—10-синфни тамомлаган ўғил ва қиз болалар қабул қилинади.

Билим юртини тамом қилганлар тўлиқ ўрта маълумот ва ҳунар олганликлари ҳақида диплом оладилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаганлар Москва ва Львов полиграфия институтларига ўқишга юборилади.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига киради.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига қабул қилинганлар бепул кийим-бош ва 3 маҳал овқат билан таъминланадилар.

Зарурий ҳолларда ётоқхона билан таъмин қилинадилар.

Ўқиш — 1 сентябрда бошланади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак: билим юрти директори номига ариза, автобиография, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, мактабдан характеристика, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Чилонзор район, Нурҳон кўчаси, 21-уй (6, 7, 9, 11, 13-троллейбуслар ва 2, 3, 14, 33, 34, 50, 54 ва 131-автобусларнинг «Волгоград кўчаси» бекати). Телефонлар: 77-10-56, 77-10-33.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

22 МАЙ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

19.00 Новосибирск Давлат филармонияси симфоник оркестрининг концерти. Программада П. Чайковский ва М. Равель асарлари. Новосибирскдан олиб кўрсатилади. 19.40 «Меҳнат коллективи ҳақида очерк». Митишчи шаҳридаги «Стройпластмасс» бирлашмаси. 20.10 «Турнахон». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Алкоголизм» Врач суҳбати. 22.30 «Композитор А. Александров». Телевизион музикали фильм. Туғилган кунининг 90 йиллигига. 23.35 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

18.00 Ўсмирлар учун. «Старшеклассник». 18.30 Болалар учун мультфильм. 18.45 Халқаро шарҳловчилар даврасида. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари V Халқаро Тошкент кинофестивали олдидан». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Хоразмнинг қўшиқ ва рақслари». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Мустаҳкам озуқа базаси учун». 22.15 «Узоқ ва яқин йиллар». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 23.50 Кўрсатувлар программаси.

23 МАЙ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 10.25 «Баҳор туғёнлари». Бадиий фильм. 15.00 Социалистик мамлакатлар ҳужжатли фильмлари программаси. 15.55 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». «Шахсга қарши жиноят учун жавобгарлик». Кўрсатувда СССР Юстиция министрининг биринчи ўринбосари А. Я. Сухарёв иштирок этади. 16.25 «Жонажон табиат». 16.45 «СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари». 17.15 «Китоб сенинг ҳаётингда». 18.00 «Қишлоқ: ишлар ва муаммолар». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Жасорат»нинг дала почтаси». 19.15 «Мойчечаклар гуллайверсин». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Болгария). 20.10 С. Прокофьев. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун ёзилган учинчи концерт. 20.40 «Ҳамиша халқ билан». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб сафари ҳақида. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Дўстларимиз чеҳраси». Кўрсатувни бажувчи А. Алексин олиб боради. 22.45 В. Захаров қўшиқларини Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси рус қўшиқлари академик хори ижро этади. 23.15 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Болалар учун фильм. «Валерка, Рэмка қўшув...». 12.00 Болалар учун. «Санъат гунчалари». 12.30 «Адабиёт назариясидан бериладиган маълумотларни такрорлаш». Адабиётдан ўқув кўрсатуви.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Биз сенинг содиқ ўринбосарларингмиз, комсомол». 18.30 «Мен оламни кўряпман». Телевизион ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари V Халқаро Тошкент кинофестивалининг тантанали очилиши. Санъат саройидан олиб кўрсатилади. 20.00 «Менинг Ўзбекистоним». «Тошкент — марказ». Телевизион ҳужжатли фильмлар («Ўзбектелефильм»). 20.20 «Ахборот» информацион программаси. 20.40 Москва. «Ҳамиша халқ билан». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб сафари ҳақида. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ўзбекистон — Марказий Советининг Бутуниттифоқ мусобақалари. Армия спорт клуби залидан репортаж (ёзиб олинган). 23.55 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Меҳрибонлик». Бадиий фильм. 20.10 Тошкент янгиликлари. 20.30 «Антоний ва Клеопатра». Телевизион фильм-концерт. 21.05 Ўқитувчилар учун консультация. 21.35 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика.

Тошкент шаҳар ижроия комитети маҳаллий саноат бошқармасининг «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи бирлашма директори Ю. Ғ. Жабборовага онаси
Сабоҳат
ЖАББОРОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р—06919. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1314.